



Т О Ш К Е Н Т О Қ Ш О М И

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 37 (11.598)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Саноат

БУЮРТМАЛАР КЎПАЙМОҚДА

Албатта, бозор талаблари асосидаги ана шундай рақобатга чидамли маҳсулотларни тайёрлашда замонавий илғор технологияларни самарали қўллаётган малакали мутахассисларнинг ўрни алоҳида. Уларнинг излашлари эса маҳсулот сифатида яққол кўриниб, буюртмалар кўпайишида муҳим ҳисса бўлади.

«Технолог» акциядорлик жамияти қошида ташкил этилган ва бир неча йилдан буён муваффақиятли фаолият кўрсатаётган «Технолог-техпласт» ва «Технологмаш» шўба корхоналари ана шундай жамоалар сирасидан бўлиб, улар маҳсулот турларини талаб ва тақлифлар асосида янгиланган бормоқда.

«Технолог-техпласт» шўба корхонаси цехларига ўрнатилган дастгоҳ ва ускуналар жамоага қўл келмоқда. Айниқса металл қирқувчи замонавий дастгоҳ қувватидан

унумли фойдаланилмоқда. Шу боис ҳам бу ерда тайёрланаётган ностандарт технологик ускуна ва жиҳозлар, бутловчи қисмлар, бошқа саноатда қўлланиладиган турли хил товарларга доимий буюртмалар тушмоқда.

— Корхонамиз маҳсулотлари кўплаб соҳа ва тармоқларда фойдаланилади, — дейди бош муҳандис Руслан Абдурахмонов. — Айниқса қишлоқ хўжалигида, машинасозлик ва озиқ-овқат саноатида, қурилиш ташкилотларида кенг қўлланилади. Бундан ташқари, металл ва пластикдан халқ истеъмоли молларини ҳам ишлаб чиқаришни йўлга қўйганмиз. Шу ўринда алоҳида таъкидлаш ўринлики, тажрибали мутахассисларимиз харидоригар маҳсулот яратишда ISO 9001-2000 халқаро сифат менежменти тизимини қўллайдди.

Бугунги кунга келиб корхонада

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатига қаратилган алоҳида эътибор буюртмачилар сафи ортишида, шу асосда корхонада ишлаб чиқариш ҳажми ўсишида муҳим аҳамият касб этади.



СУРАТДА: корхона фаолиятида корхонада

Хақимжон Солихов олган сурат

Шоира МАХМУДОВА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Microsoft корпорациясининг Марказий ва Шарқий Европа мамлакатлари ҳукуматлари билан ишлаш бўйича директори Роланд Хофманн билан учрашув бўлиб ўтди.

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА УЧРАШУВ

Учрашув чоғида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишга оид масалалар бўйича ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболли муҳокама этилди.

Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланган дастурларга мувофиқ ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ва жорий этиш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди.

Таълим соҳасида ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида махсус меморандумни тайёрлаш Microsoft корпорацияси маҳсулотларини мамлакатимиздаги барча таълим муассасаларига имтиёзли равишда тақдим этиш имконини бериши қайд этилди. Бунда Microsoft маҳсулотлари интерфейсини ўзбек тилига ўгириш борасида амалга оширилаётган ишлар муҳим аҳамиятга эга.

Ахборот технологиялари соҳасида мутахассислар тайёрлаш борасидаги ҳамкорликни ривожлантириш бўйича ҳам фикр алмашилди. Ўзбекистонда ҳар йили ахборот-коммуникация соҳасида уч ярим минг нафардан ортиқ мутахассис тайёрланаётгани ва бу мамлакатимизда дастурий маҳсулотлар саноатини янада ривожлантириш учун замин яратиши, Microsoft корпорацияси ушбу имкониятдан самарали фойдаланиши мумкинлиги таъкидланди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасида интеллектуал мулкни ва муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги ҳамкорлик масалалари ҳам муҳокама этилди. Microsoft корпорацияси томонидан ушбу йўналишда, шунингдек, ҳақерлар ва вирус ҳужумларидан ҳимоя қилиш масалаларида ўз мутахассислари иштирокида турли семинарлар ва тренинглар ўтказиш тақлиф этилди.

Давлат бошқарувида ахборот технологияларини жорий этиш масалаларида ҳамкорлик истиқболлари ҳам кўриб чиқилди. Мазкур йўналишда Microsoft корпорацияси билан «Инновацион ҳукумат» дастурини жорий этиш бўйича меморандум тайёрлаш ва ушбу дастурни Ўзбекистонда амалга ошириш механизми билан боғлиқ имкониятлар қайд этилди.

Бундан ташқари, Microsoft корпорацияси вакиллариغا Ёш дастурчиларни тайёрлаш ва қўлаб-қувватлаш маркази ҳамда «UZINFOCOM» компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ва жорий этиш маркази ҳузуридаги Компьютер можароларига муносабат билдириш хизмати ташаббусларини амалга ошириш учун ҳамкорликни янада кучайтириш масаласини кўриб чиқиш тақлиф этилди.

(Ў.А)

ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШДА ФУНДАМЕНТАЛ ИЛМ-ФАННИНГ ЎРНИ



Президентимиз Ислам Каримовнинг шу йил 29 январда Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган ишлаб чиқаришни жадал модернизация қилиш, техник ва технология янгилаш, қўшимча қийматга эга, илмталаб ва экспортбон маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш каби устувор вазифаларни ҳал этишда мамлакатимиз олимлари фаол иштирок этмоқда. Ўзбекистон Фанлар академиясининг Ядро физикаси институтида яратилган инновацион ишланмалар бугун фундаментал илм-фан юқори технологик ишлаб чиқаришни ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшаётгани ва бу борада катта салоҳиятга эга эканини тасдиқлайди.

Ушбу ишланмаларнинг энг истиқболли ва иқтисодий рақобатдор қисми корхоналарида жорий этишга тайёр, деб топилганлари давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 15 июлда қабул қилинган «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш доирасида шу йилнинг 1-3 март кунлари пойтахтимизда бўлиб

ўтадиган III Республика инновацион гоғлар, технологик ва лойиҳалар ярмаркасида намоиш этилди. Бугун Фанлар академиясининг Ядро физикаси институти — бу радиоизотоп маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган «Радиоаппарат» ва «Тезлатгич» шўба корхоналарини, радиоизотоп назорат приборларини ишлаб чиқарадиган, ўз конструкторлик бюросига эга тажриба заводини, радиокимё мажмуи, ахборот-ҳисоблаш

маркази, шунингдек, 5 та илмий бўлим ҳамда 16 та илмий лабораторияни ўз ичига олган йirik илмий ишлаб чиқариш тузилмасидир. Бу ерда нафақат беосита ядро физикаси соҳасида, балки қаттиқ jismlar радиация физикаси ва материалшунослик, фаол таҳлил ва радиокимё, илмий асбобсозлик, ядро-физика объектлари фаолиятини таъминлайдиган ахборот технологияларини ишлаб чиқиш каби муҳим йўналишларда

ҳам тадқиқотлар олиб борилаётган.

Институтида жаҳон илм-фанининг устувор соҳалари бўйича амалга оширилаётган жиддий тадқиқотлар жадал ривожланиб бораётган иқтисодий имкониятлар талаб этиладиган янгиланган техника ва яратишга қаратилган ишлар билан чамбарчас боғлиқ. Бу ердаги излашларнинг катта қисми айнан ушбу йўналишга қаратилган.

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН ЛАТВИЯ МАТБУОТИ САҲИФАЛАРИДА

Латвиянинг «Балтийский курс» интернет-журналида «Навой» эркин индустриал-иқтисодий зона (ЭИИЗ)нинг ташкил этилиши ва шу муносабат билан хорижий сармоядорлар учун яратилган имкониятлар ҳақида мақола эълон қилинди.

«Навой» ЭИИЗ қўғалараро интермодаль логистика марказини яратишда сарлавҳали мақола муаллифи электрон нашр бош муҳаррири Ольга Павук 2009 йилда Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов ташаббуси билан ташкил этилган «Навой» эркин индустриал-иқтисодий зонаси мамлакат иқтисодиётининг янада ривожланишига хизмат қилишини қайд этади.

Минтақа ривожининг истиқболли йўналиши ва «Навой» эркин индустриал-иқтисодий зонаси рақобатга дош бера оладиган юқори технологияли маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг кенгайишини таъминлайди.

Ушбу зонада тузилган қўғалараро интермодаль логистика маркази МДХ

худудидаги турли хилдаги товарларнинг тезкор юклаб қўғатилиши ва олиб келиб туширилиши, уларнинг тарқатилиши ҳамда омборхоналарга жўлаштирилиши амалга ошириладиган ягона марказ бўлади. Осиёдан Европага ва Европандан Осиёга жўғатилган юклар глобал транспорт юк ташини тизимининг муҳим таркибий қисмига айланадиган ушбу марказ орқали ўтади.

Мақолада қатор давлатлар билан эришилган божхона тўловисиз савдо қилиш бўйича келишувлар хорижий сармоядорлар учун рағбатлантирувчи омил сифатида кўрилади. Эркин индустриал-иқтисодий зона Хитой, Жанубий Корея, Бирлашган Араб Амирликлари, Малайзия каби давлатлар инвестициялари жалб этилган йirik лойиҳаларни амалга оширишни бошлаб юборгани айtilади.

(Давоми 3-бетда).

ЖАҲОНДА

● Лотин Америкаси мамлакатлари етакчилари Америкадан Кубага нисбатан иқтисодий санкцияларни бекор қилишни талаб этдилар.

● Кеча Тинч океани флотининг бир гуруҳ кемалари Владикавказдан денгиз қароқчиларига қарши курашиш мақсадида Адан кўрфази сари йўл олди.

● АҚШ маъмурияти мамлакат худудидан ҳаракатланувчи Куба кемаларини ўтказмаслик ҳақидаги прокламацияни яна бир йил муддатга узайтирди.

● «Ал-Қоид» гуруҳи Малида гаровга олинган француз фуқаросини озод қилди.

● Германиянинг «Люфтганза» авиакомпанияси бир кундан сўнг ўзининг тўрт кунга мўлжалланган иш ташлаш тадбирини 8 мартга кўчирди. Айтиш жоизки, бир кун давомида ҳам ушбу авиакомпаниянинг жаҳон бўйлаб уюштирилаётган парвозлари бутунлай издан чиқиб кетди.

● Буюк Британиянинг «Grand Finance» агентлиги дунё бозоридagi энг қиммат савдо белгилари рўйхатини эълон қилди. Унда «Walmart» бренди биринчи ўринда қайд этилган бўлса, «Google» ва «Coca-Cola» савдо белгилари иккинчи ва учинчи ўринларни бўлишиб олди.

● Бесландagi ҳарбий қисм худудидаги ётоқхона ҳовлисида саккиз ёшли қизча топган гранатани портлаши натижасида уч қиз жабрланди. Гранатани топган қиз олинган жароҳатлар оқибатида ҳаётдан кўз юмган бўлса, унинг дугоналари касалхонага ётқизилди. Ҳозирда Россия Федерациясининг Шимолий Осетия бўйича прокуратураси қошидаги тергов кўмитаси томонидан ушбу ҳодиса тафсилотларини текшириш ишлари амалга оширилмоқда.

● Номаълум санъат ҳомийси Жакомо Казанова эсдаликлари қўғэмасини 7 миллион еврога харид қилди. Сўнг харидор «Менинг ҳаётим тарихи» номли китоб қўғэмаларини Франция миллий кутубхонасига топширди. 3700 варақдан иборат мазкур қўғэмза тўғалигича 2011 йилда Парижда омма эътиборига ҳавола этилади.

ҚИСҚА САТРАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз муҳбирларининг хабарларидан.

✓ **КЕЧА** шаҳримизда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқитувчилари иштирокида уюштирилган давра суҳбати ушбу тизим фаолиятини янада ривожлантириш масалаларига бағишланди.

✓ **ФУКАРОЛИК** жамиятини ўрганиш институтида ёшларнинг экологик маданиятини юксалтириш масалаларига бағишлаб маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

✓ **560-ИМКОНΙΑТИ** чекланган болалар реабилитация марказида Баркамол авлод йили муносабати билан хайрия тадбири уюштирилди.

✓ **«МИРОБОД»** болалар спорт мажмуасида мактаб ўқувчилари ўртасида Баркамол авлод йилига бағишлаб қўғ түпи бўйича ўтказилган мусобақалар Болалар спортини ривожлантириш жағғарамасининг Тошкент шаҳар филиали ташаббуси билан ташкил этилди.

(Давоми. Боши 1-бетда).
 Масалан, институтда дунёда энг илгор йўналишлардан бири — радиация технологиялари асосидаги амалий ишланмаларга катта эътибор берилмоқда. Бу ишланмалар материалларнинг физика-кимёвий, оптик, электрик, тузилмавий параметрлари ва хусусиятларини модернизация қилиш имконини беради ва шу тариқа улар бошқа технологик усуллар билан деярли эришиб бўлмайдиган пишиқлик, ёмирилишга чидамлик ва бир хиллик каби олдидан белгиланган хусусиятларга эга бўлади.

Қимматбаҳо металллар ва кристаллар, жумладан, машҳур топаз тошига радиация ёрдамида чиройли тус бериш ишлаб чиқиладиган йўналишлардан биридир. Табиатда кам учрайдиган мовий ва бинафша ранг кристаллар ниҳоятда қимматбаҳо ҳисобланади. Институтда рангсиз топазларга табиий рангдан фарқланмайдиган тус бериш бўйича санъат технологияси яратилди. Бундан ташқари, бу ерда ядро-физика услублари ёрдамида рангсиз берилл кристалларида чирой берилиб, яшил зумрад, мовий, малла-яшил рангли аквамарин, очик тусдаги сариқ рангли гелидорга айлантирилмоқда. Радиация технологиясидан фойдаланиш оддий кварца бинафша ёки цитрин тусини бериш имконини яратади. Таъкидлаш жоизки, унинг амелияси ва цитран ранг деб номланган табиий кристаллари қимматбаҳо тошлар сирастига қиради. Айни пайтда ташкил этилаётган учта технологик линияга эга ишлаб чиқариш участкаси бир ойда 300 килограммгача қимматбаҳо тош ишлаб чиқара олади.

Маркетинг шунини кўрсатдики, заргарлик кристаллари ва биллур буюмларни радиация ишлов бериш бўйича бундай ишлаб чиқариш дунёнинг бирорта ҳам мамлакатига йўқ.

Пойтахтимиздаги «Ониск» масъулияти чекланган жамиятида табиий тошларни бўйаш бўйича ноёб технология жорий этилмоқда. 2009 йилда Германиянинг «Zimmermann BCS Strones GmbH» компанияси билан тажриба шартномаси имзоланди, Тошкентдаги «Самоцвети» масъулияти чекланган жамияти буюртмасига асосан бундай таджикотлар мутафаккарийати ўтказилди.

Олимларнинг фикрича, III Республика инновацияни гоғлар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркасида ушбу ишланмаларни амалга оширишга янги ҳамкор-инвесторларни жалб қилиш имкони пайдо бўлади.

Институтдаги мавжуд участка техник жиҳатдан тўлиқ жиҳозланса, унинг унумдорлигини икки бараварга ошириш имконияти туғилади. Зеро, тошларга ишлов бериш бўйича хизматларга хорижда ҳам талаб катта. Демак, бундай махсусот мамлакатимизнинг экспорт даромадининг бир қисмига айланиши мумкин.

Сўнгги йилларда дунёда санъат ва табиий буюмлари, фармацевтика препаратлари радиацион услублар ёрдамида ишлов бериш кенг қўлланилмоқда. Кобальт, цезий ва электрон боғламлар изотопларидан фойдаланиш «радиацион стериллаш» деб номланган янги йўналишни шакллантириш ҳамда ривож-

ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШДА ФУНДАМЕНТАЛ ИЛМ-ФАННИНГ ЎРНИ

лантиришнинг асосига айланди. Ўзбекистон Фанлар академиясининг Ядро физикаси институти олимлари ҳам ушбу соҳадаги инновацияни ишланмалар билан фаол шуғулланмоқда. Бу ерда яратилган буюмларга изотоплар ёрдамида ишлов бериш технологияси ўзига хос имкониятларга эга, яъни шимдирмасдан юқори даражада снгиш ҳолати бир хил стериллаш, ишлов беришда паст ҳароратни, хусусиятларни сақлашни таъминлайди. Бунда радиофоллик тўлиқ йўқолади, буюмларнинг техник хусусияти яхшиланади. Олимларнинг инновациялар ярмаркасида намойиш этиладиган ишланмалари санъат, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш ва фармацевтика каби соҳаларда қўлланилади.

Бугунги кунда ўзбекистонлик олимлар халқро бозорда мамлакатимиз иқтисодиётининг рақобатбардорлигини ошириш имконини берадиган интеллектуал махсусотлар яратмоқда. Масалан, «Радиоаппарат» корхонаси мутахассислари томонидан яратилган ва юқори сифати учун Бутунжаҳон бизнес ассоциациясининг (Женева) «Олтин медали»га сазовор бўлган кўпжа радиоизотоп махсусотларни санъат асосида ишлаб чиқаришни ташкил этиш технологияси катта экспорт салоҳиятига эга.

Ярмаркада Ядро физикаси институти стендида кумуш ва углерод нанозаррачаларини синтез қиладиган мослама ҳам намойиш этилади. Улардан лок-бўёқ буюмлари, тиббий мақсадда ишлатиладиган тўқимачилик материалларига бактериялар ва замбуруғларга қарши хусусиятлар бериш, сувни тозалаш учун сорбентлар, ҳавони тозалаш учун катализаторлар сифатида фойдаланиш мумкин. Нанозаррачаларни синтез қиладиган ушбу санъат мосламаси узлуксиз ишлаб чиқариш, таннархни пасаитириш, унумдорликни ошириш, кимёвий реагентларни қўлмаслиқни таъминлайди. Шуниси эътиборлики, технологик жараёни

бироз ўзгартириш микроларга қарши хусусиятларга эга махсусотлар турларини кенгайтириш имконини беради. Давлат стандарти сертификати берилган ушбу янги мослама ишлаб чиқарувчиларда катта қизиқиш уйғотди. Ярмаркада уни санъатда тажриба тариқасида қўллаш учун туғридан-туғри алоқалар ўрнатиш режалаштирилмоқда.

Олимлар институти мутахассисларининг автоматлаштириш ва воситали фаол таълил қилиш услубларини моделлаштириш учун маълумотлар базаси ҳамда дастурий комплекс яратиш бўйича ишланмалари ҳам ярмарка қатнашчиларида катта қизиқиш уйғотишига ишонади. Ушбу махсусот энг замонавий компьютер технологиялари асосида маълумотларнинг интерфаол маълумотнома-ахборот базаси сифатида яратилган. Мазкур база радионуклидларнинг ядро-физика хусусиятлари ва турли табиий объектлар таркибидики кимёвий элементлар бўйича кенг маълумотларни ўз ичига олади. Институт мутахассислари томонидан яратилган ва дунёда ҳали чоп этилмаган ядро физикаси соҳасида қўрилган беш минг атамани ўз ичига олган рус-инглиз-француз-немис-ўзбек тилидаги электрон лугат ҳам эътиборни тортиши шубҳасиз.

— Мамлакатимизда илм-фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги интеграция алоқаларини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат сийсатининг муҳим устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. — дейди Ядро физикаси институти директори, физика-математика фанлари доктори Умар Солиҳбоев. — Президентимиз Ислам Каримов томонидан Ўзбекистон иқтисодиётининг рақобатбардорлигини янада ошириш бўйича белгилаб берилган вазифаларни бажариш кўп жиҳатдан бундай интеграция даражасига, яъни илмий таджикотларнинг жамиятимизнинг аниқ эҳтиёжларига нечоғли йўналтирилгани, корхоналарнинг модернизация қилиш, илгор технологияларни жорий этишдан бевосита манфаатдорлиги ва бунинг учун туғридан-туғри ўзаро манфаатли ҳамкорлик қай даражада йўлга қўйилишига боғлиқ, Ўзбекистонда илм-фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги кооперация алоқаларини кенгайтириш мақсадида ноёб механизм — Республика инновацияни гоғлар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркаси ташкил этилди. Ушбу ярмарка мамлакатимиз олимларининг энг истиқболли ишланмаларини бир ерга тўплади ва ҳўжалик юритувчиларга улар асосида ички ва ташқи бозорларда юқори технологик, рақобатбардор махсусотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, бир пайтнинг ўзида ишлаб чиқаришни янги сифат даражасига кўтариш ҳамда унинг таннархини камайтириш имконини беради. Биз, олимлар учун инновациялар ярмаркасида иштирок этиш ўз таджикотларимизни кенгайтиришда кучли омил бўлади. Ушбу таджикотлар Ўзбекистоннинг инновация йўналишида жадал ривожланиб бораётган иқтисодиёти реал сектори тармоқларининг янада юқалишига хизмат қиладди. Шуниси диққатга сазоворки, бу борада ёшлар — олий ўқув юрлари магистратураси талабалари, аспирантлар ҳам фаол иштирок этмоқда. Бу «Баркамол авлод йили» Давлат дастурида белгиланган вазифаларга тўлиқ мос келади. Зеро, илм-фан соҳасида ҳар томонлама иқтидорли ёшларни тарбиялаш Ўзбекистон илм-фанининг янги чўққиларини эгаллашининг, мамлакатимизни янада ривожлантириш ва модернизация қилиш, халқро майдонда унинг обрў-эътиборини оширишнинг муҳим кафолатидир.

**А. ИВАНОВА,
ЎЗА МУХБИРИ**

Фармон ва ижро

ХИМОЯ ҲУҚУҚИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Фуқароларнинг малакали юридик ёрдамга бўлган ҳуқуқини тўла таъминлаш мақсадида амалга оширилаётган ислохотлар юқсак самаралар бермоқда. Адвокатурага оид қонунчилик бугунги кун талаблари даражасида такомиллаштирилди. Президентимиз Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисини Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида бу масалга алоҳида эътибор қаратилиб, суд-ҳуқуқ тизимини босқичма-босқич демократлаштириш борасидаги кенг қўламли чора-тадбирлар амалиётга татбиқ этилаётгани, жумладан, адвокатура институти чуқур ислох этилгани алоҳида таъкидланди.

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 1 майда эълон қилинган «Ўзбекистон Республикасида адвокат институти янада ислох қилиш чора-тадбирлари туғрисида»ги Фармони бу борада муҳим омил бўлмоқда.

Мазкур фармон асосида адвокатларнинг ўзини ўзи бошқаришдан марказлаштирилган тизими — Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси ташкил этилди. Бу эса адвокатура тизимининг яхлитлигини таъминлаш, соҳа ходимларининг касб этикаси қоидаларига риоя этишини назорат қилиш имконини бермоқда.

— Ҳозирги кунда юртимизда фаолият юритаётган мингга яқин адвокатлик тузилмасида уч минг нафардан зиёд адвокат иш олиб бормоқда, — дейди Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси раиси Тошпўлат Саидов. — Уларнинг барчаси қатъий талаб ҳамда шартлар асосида малака имтиҳонидан ўтган ва лицензия олган адвокатлардир. Зеро, фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда адвокатдан катта билим, тажриба ва маҳорат талаб этилади. Бунинг исми билан, қўйилган талабларга тўла жавоб бера оладиган юристгина адвокат бўлиши мумкин.

Адвокатлик тузилмаларига юридик ёрдам сўраб мурожаат қилувчилар сони ошаётгани ҳам соҳадаги ислохотлар самарасидир. Жумладан, 2009 йилда фуқароларга 80 мингдан ортиқ оғзаки ҳуқуқий маслаҳат берилган бўлса, жисмоний ва юридик шахсларга юридик ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ 115 мингга яқин битим тузилган. Жиноят, фуқаролик, ҳўжалик ишлари бўйича судларда адвокатлар фаол иштирок этиб, даъволарнинг қисман ёки тўлиқ қаноатлантирилишига эришди. Адвокатлар вакил, гувоҳнинг адвокати сифатида ҳам судларда иштирок этди. Шу билан бирга, адвокатлар тадбиркорлик субъектларига 80 мингдан ортиқ турли ҳуқуқий ҳужжатни тузишда яқиндан ёрдам берди.

Соҳага оид қонунчиликнинг такомиллаштирилгани, адвокат процессуал мақоми кенгайтирилгани уларнинг амалиётда самарали фаолият юритишига пухта замин яратди. 2009 йил 1 январдан кунга кирган «Адвокатура институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш туғрисида»ги қонун асосида ҳимоячининг ишда иштирок этишига жиноят процессининг ҳар қандай босқичида, шахс ушланганида эса унинг ҳаракатларини эркинлигига бўлган ҳуқуқи амалда чекланган пайтдан бошлаб руҳсат этилади. Агар гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи қамоқда бўлса, ҳимоячи у билан жиноят ишини юритиш учун масъул давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг руҳсатсиз, учрашувларнинг сони ва давом этиш вақти чекланмаган ҳолда холи учрашишга ҳақли.

Қонунчиликка мувофиқ, эндиликда гувоҳ ҳам адвокатнинг юридик ёрдамидан тўла фойдаланиши мумкин бўлган маълумотларни, хусусан, ишга тааллуқли ахборотга эга шахсларни сўровдан ўтказиш ҳамда уларнинг розилиги билан ёзма тушунтиришлар олиш, давлат органларига ва бошқа органларга, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга сўров юбориш ҳамда улардан маълумотномалар, тавсифномалар, тушунтиришлар ва бошқа ҳужжатларни олишга ҳақли. Ҳимоячининг тўланган материалларни ишга қўшиб қўйиш туғрисидаги илтимосномаси суриштирувчи, терговчи, прокурор томонидан албатта қаноатлантириши керак.

Адвокатнинг профессионал фаолиятга тўсқинлик қилиш Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик туғрисидаги кодексига мувофиқ, маъмурий жавобгарликка сабаб бўлади.

Давлатимиз раҳбарининг номи келтирилган фармонида ҳуқуқшунослик соҳасида махсус билимга эга бўлмаган шахсларнинг суд ишида иштирок этишига йўл қўйилмаслиққа қаратилган тарафлар вакилиги институтини босқичма-босқич такомиллаштириш адвокатура институти янада ислох қилишнинг асосий йўналишларидан бири сифатида белгиланган. 2009 йил 11 сентябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 52-моддасига ўзгартиш ва қўшимча киритиш туғрисида»ги қонун бунинг амалий ижросидир. Унга мувофиқ, судда иш юритиш бўйича вакил сифатида фақат профессионал фаолият билан шуғулланувчи адвокатлар қатнашиши мумкин. Қонунда шартнома бўйича (ихтиёрий) вакил бўлиши мумкин бўлган шахслар доираси ҳам белгилаб берилган.

Адвокатура институтининг тобора такомиллашадигани, уларга қўйилаётган талабларнинг қатъийлиги кўрсатилаётган юридик ёрдам сифатининг тобора яхшиланишига хизмат қилмоқда. Адвокатларга касб вазифаларини бажариш пайтида зарур имкониятларни яратиш, жойларда юзага келадиган айрим масалаларни ўз вақтида ҳал этишга қаратилган бу саяё-ҳаракатлар фуқаролар ҳамда юридик шахсларнинг ҳимоя ҳуқуқи кафолатини янада мустаҳкамлашга хизмат қиладди.

**Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎЗА МУХБИРИ**

АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИГА ЭЪТИБОР

Кейинги йилларда мамлакатимизда аҳоли, айниқса ёшлар саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада муҳим меъёрий ҳужжатлар қабул қилинмоқда.

Президентимизнинг қарори билан тасдиқланган «Баркамол авлод йили» Давлат дастурида ҳам «Соғлом она — соғлом бола» тизимини изчил амалга ошириш борасидаги чора-тадбирларни янада кучайтириш, оналар ва болаларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш, профилактика масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Саломатлик ва тиббий статистика институти Тошкент шаҳар филиали ташаббуси билан ўқув масканларида, маҳалларда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш мавзусига бағишланган тадбирлар мутахассислар иштирокида ўтказилмоқда.

Яқинда аниқ шундай тадбирлардан бири Шайхонтоҳур туманидаги «Самарқанд дарбоза» маҳалласида 46-оилавий поликлиника билан ҳамкорликда ўтказилди.

Унда Саломатлик ва тиббий статистика институтининг Тошкент шаҳар филиали вакиллари, шифокорлар, маънавият-маърифат соҳаси мутахассислари ҳамда маҳалла аҳли иштирок этди. 46-оилавий поли-

клиника бош шифокори Д.Ибрагимова сўзга чиқиб, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оилада тиббий маданиятни юқсальтириш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, ёш авлод саломатлигига эътибор қаратиш зарурлигини, бу борада қабул қилинган Президентимиз қарорлари муҳим дастуруламал бўлаётганлигини, вазифаларни амалга оширишда оила, маҳалла, мактаб ва поликлиникалар, давлат ва жамоат ташкилотларининг ўзаро ҳамкорлиги яхши самаралар бераётганлигини қайд этиб ўтди. Мутахассислар ёшларнинг тиббий-маънавий онгини ошириш, уларни спорт билан шуғулланишга жалб этиш, айрим касалликларнинг репродуктив саломатликка таъсири, бу борада соғлом турмуш тарзига, рацинал овқатланишга риоя қилиш, йилда бир марта албатта тиббий кўрикдан ўтиш зарурлигини таъкидлаб ўтди.

Тадбир якунида маҳалла аҳли барча қизиқтирган саволларига батафсил жавоб олди.

Дилором ИКРОМОВА

Мамлакатимизда ёш авлоднинг чуқур билим олиб, касб-хунар сирларини эгаллашига, етук мутахассислар бўлиб камол топишига катта эътибор қаратилмоқда. Юртимиз келажаги ҳисобланган ўғил-қизларимиз бундай гамхўрликка билим олишга чанқоқликларни, касб танлашда зукколикларни, хунарга бўлган қизиқишларни ва яқин ташаббуслари билан жавоб беришмоқда.

Албатта, мактаб битирувчиларини билим ва иқтидорларига, интилиш ҳамда қизиқишларига қараб касб-хунарга йўналтиришда ота-онанинг, мактаб жамоасининг алоҳида ўрни бор. Бу борада Юнусобод туманидаги 220-мактабда ҳам ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Яқинда мазкур билим масканида ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ишлари бўйича кўргазма-марафон ўтказилди. Мактаб фойдасида ташкил этилган кўргазма барчада, айниқса битирувчиларда катта қизиқиш уйғотди. Марафон доирасида барча синфларда очик дарслар, синф соатлари, давра суҳбатлари бўлиб ўтди.

— Ўқув масканимизда 646 нафар ўқувчи билим олади, — дейди мактаб директори Зебо Холиқулова. — Уларнинг билим ояшларини учун барча шароитлар яратилган бўлиб, 40 нафар ўқувчи замонавий педагогик технологиялардан



2010 йил — Баркамол авлод йили

ЁШЛАРИМИЗ КЕЛАЖАГИНИ ЎЙЛАБ

фойдаланган ҳолда ўғил-қизларини мизга таълим-тарбия бермоқда. Бўлажақ битирувчиларимизни касб-хунарга йўналтиришда тумандиқ касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар билан ҳамкорликда иш олиб бораётишимиз. Улар иштирокида ўтказилаётган учрашувлар, давра суҳбатлари ўғил-қизларимизга яхши йўлланма бўлмоқда. Жорий йилда мактабимизни 81 нафар ўқувчи битиради. Кўргазма-марафонда ўзининг барчаси фаол қатнашиб, ўзига керакли маълумотларни олди.

Тадбирда Тошкент солиқ коллежи, Юнусобод машинасозлик коллежи, туризм касб-хунар коллежи вакиллари қатнашиб, ўқувчиларга батафсил маълумотлар беришди.

— Мазкур кўргазма-марафондан олган таассуротларим катта, — дейди 9-синф ўқувчиси Дилдора Исроилова. — Айниқса «Қаерга ўқишга борсам экан?», «Қайси касб-хунар

менга ёқди», «Касбим — фаҳрим» кўргазмалари менга маълумотлар билан ёқди. Бизнинг келгуси ҳаётимизда, билим олиш ва касб-хунарга эгаллашимизни туғри йўналтиришда аввало ота-оналаримиз, секинликки устозларимизнинг йўл-йўриқи ва маслаҳатлари ҳамда мана шундай тадбирларнинг аҳамияти катта.

Тадбирнинг қизиқарли ўтиши ва қўзланган мақсадга эришишига фаоллик кўрсатган мактабимиз маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари Л.Бахромова, касб-хунарга йўналтирувчи педагог Н.Шарипова ҳамда синф раҳбарларининг меҳнатларини алоҳида таъкидлаш лозим. Албатта, мазкур кўргазма-марафон мактаб битирувчиларининг ўзлари учун туғри йўналиш танлашларига муҳим аҳамият касб этади.

**Шарифа ИЛЁСОВА
СУРАТДА: мактабда бўлиб ўтган кўргазма-марафондан лавҳа**

Эндиликда корхона ва ташкилотлар бухгалтерия хисоби автоматлаштиришда, ҳисоботларнинг электрон тартибда топширилиши ўзбек ва рус тилларидаги «БЭМ — бухгалтерия электрон мадад» номи миллий дастури ёрдамида амалга оширилди. Халқ таълими вазирилик хамкорлигида солиқ саводхонлиги бўйича махсус ўқув режаси ишлаб чиқилди. Унда 1-синфдан 9-синфгача бўлган «Иқтисодиёт ва солиқ алифбоси», «Иқтисодиёт ва солиқ сабақлари», «Солиққор тортиш асослари», Олий ва ўрта махсус таълим вазирилик билан ҳамкорлиқда «Тадбиркорлик ва бизнес асослари», «Солиқ ва солиққор тортиш» каби дарслиқлар чоп этилди. Қўмита фаолиятини матбуотда ёритишга ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, махсус веб-сайт ва Солиқ инфо газеталари фаолияти йўлга қўйилди.

Тадбирда солиқ тизимида амалга оширилган ислохотлар ва келгусидаги режалар, соҳа янада модернизациялаш масалалари атрафлича муҳофаза қилинди.

**Рахона ТОШПЎЛАТОВА,
«Туркестон-пресс»**

СОЛИҚ ТИЗИМИ ЯНГИЛАНМОҚДА

Ўзбекистон давлат солиқ қўмитасида «Солиқ тизимини модернизациялаш» мавзусига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Тадбирни қўмита раиси Ботир Парпиев очиб, мамлакатимизда ўтган йиллар давомида солиқ тизимини тубдан янгиллаш, солиққа тортиш тартибининг соддалаштириш ва солиқ сийсатининг ўзгаришларини кенг оммага тарғиб қилиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилгани хусусида гапирди.

— Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 22 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва давлат бюджетди параметрлари туғрисида»ги қарори солиқ сийсатининг асосий йўналишларини белгилаб берди, — деди Б. Парпиев. — Ҳўжалик юритувчи субъектлар зиммасидаги солиқ юкнини камайтириш мақсадида, 2010 йилда фойда солиғининг база-

вий ставкаси амалдаги 10 фоиздан 9 фоизга пасаитирилди. Корхоналар ихтиёрида 52,1 миллиард сўм атрафида маблағ иқтисод қилиниши ва бу ишлаб чиқаришни кенгайтиришга йўналтирилиши кўзда тутилаётди.

Аҳоли даромадларида солиқ юкнини енгилаштириш ва уларнинг харид қобилиятини ошириш мақсадида олинган даромад солиғи ставкаси камайтирилиб, солиқ солишининг биринчи шкаласи бўйича 12 фоиздан 11 фоизга пасаитирилди. Микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўловининг амалдаги базавий ставкаси 7 фоиз микродорда белгиланди.

Солиқ қўмчилигида ҳам қатор ўзгаришлар бўлмоқда. Солиқ кодексининг 134 та мод-

дасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Қўмита марказий аппаратининг тузилмаси таркибиде бозорлар ва савдо мажмуалари фаолиятини назорат қилиш бош бошқармаси ва унинг худудий бўлимлари ташкил этилди. 2010 йил 8 январда қабул қилинган «Республика солиқ органлари тизимини янада модернизация қилиш чора-тадбирлари туғрисида»ги қарорга кўра бозорлар, савдо мажмуалари ва уларга туташ автомобиль тўхташ жойлари фаолиятини назорат қилиш, улар томонидан солиқ қонунчилик буйзилишининг олдини олиш бўйича ҳар қанлиқ тезкор назорат ташкил этилиши ваколатини бошқарма зиммасига юкланди.

ЎЗБЕКИСТОН ЛАТВИЯ МАТБУОТИ САҲИФАЛАРИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Навий шахридаги эркин индустриал-иқтисодий зонанинг алоҳида қизиқарли томони шундаки, бунда бир вақтнинг ўзида ўзаро бири бирини тўлдирадиган ва ривожланишига ёрдам берадиган юк ташин ҳама ишлаб чиқариш йўналишлари ташкил этилади ва ривожланади. Навоий вилоятида ҳар иккала йўналиш фаолияти учун ҳам қулай имкониятлар мавжуд.

2009 йил октябрь ойида Тошкент шахрида бўлиб ўтган "Навий" эркин индустриал-иқтисодий зонага хорижий сармояларни жалб этишга бағишланган халқаро анжуман иштирокчилари Ўзбекистоннинг sanoatни диверсификация қилиш, тайёр маҳсулотлар экспортини ва инфратузилмани ривожлантириш лойиҳаларини кенгайтириш борасидаги саъй-ҳаракатларини юқори баҳолашди, дейилади мақолада.

Муаллиф Осий Тараққиёт банки вице президенти Шиао Жаонинг шундай мулоҳазаларини айнан келтирди: "Ўзбекистон Марказий Осиёдаги энг истиқболли давлатлардан бири саналади, ҳозир бугунги кун учун энг долзарб йўналишлардан бири саналган "Навий" эркин индустриал-иқтисодий зонадаги лойиҳаларга сармоявий улуш қилишни жонлантиришнинг вақти келди".

Ислол Тараққиёт банкининг хусусий тармоқ бўйича ижрочи директори Халид ал Абдуйи глобал инқироз шароитида кенг қўламга эга бўлган "Навий" эркин индустриал-иқтисодий зона лойиҳаси амалга оширилишининг бошланиши Ўзбекистон ҳукуматининг прагматиклиги ва ўз қўмига ишонидан далolat беришини таъкидлади. Унинг фикрича, Ўзбекистоннинг ташқи қардорлик даражасининг камлиги ва қатъийлиги билан хорижий инвесторлар ишоничга сазовор бўлган сийёсий барқарорлиги бунинг муҳим тасдиғи сифатида намойн бўлади.

Мақола муаллифи шунингдек, Жаҳон банкнинг кўп томонлама сармоялар кафедрати бўйича агентлиги молиявий директори Кевин Лунинг: "Жаҳон банки минтақадаги етакчи sanoat мамлақати саналган Ўзбекистоннинг макроиқтисодий муваффақиятларини ижобий баҳолайди ва кон-руда казиб олиш, машинасозлик, энергетика, углеводород конларини казиб олиш бўйича сармоявий лойиҳаларни суғурталаш жиҳатидан қўллаб-қувватлашга тайёр эканини билдиради" деган сўзларига эътибор қаратади.

"Навий" эркин индустриал-иқтисодий зона доирасида ишлаб чиқилган мислсиз солиқ қўлайликлари билан бир қаторда Ўзбекистон банкларининг молиявий инқироз шароитидаги муваффақиятли фаолияти хорижий сармоядорлар ва ишбилармон доиралари эътиборини ўзига жалб қилмоқда. Жанубий Корея томони Ўзбекистонга дунёда ўз ўрнига эга бўлган «Кореян тайр карго» бренди томонидан ишлаб чиқилган илгор технологияларни олиб киришдан, минтақада унга ўшагани мавжуд бўлмаган Марказий Осиёдаги етакчи хабининг шакллантирилишидан манфаатдор, деб ёзади нашр.

«Балтийский курс» интернет-журналида қайд этиладики, «Навий» эркин индустриал-иқтисодий зонада 187 миллион АҚШ доллари қўйилганга эга бўлган sanoat корхоналари ташкил этиш бўйича 19 та битим имзоланган. Ушбу корхоналар тўла ишга туширилганда бир йилда 375,5 миллион АҚШ долларга тенг маҳсулот ишлаб чиқарилади ва уларнинг қарийб ярми экспорт қилинади. 2010 йилда «Навий» эркин индустриал-иқтисодий зонада 50 та лойиҳа ўзлаштирилиши режалаштирилган.

Жаҳон АА Рига

— Шундагина олдинга силжиш бўлади, мақсадларимизга ҳам эришамиз. Шубҳасиз, бунда авваллабор биз, ҳокимлар, маҳаллий ижроия органлари тузилмалари раҳбарларининг зиммасида катта масъулият ётади. Шу билан бирга биз бу борада ўзини ўзи бошқариш органлари, бевосита аҳолига катта ишонч билдириб қоламиз. Хар биримиз муҳим бир нарсани унутмаслигимиз лозим: нимаики қилинаётган бўлса, олдиндаги мақсад ва вазифалар ҳам юртимиз янада раванқ топши йўлидаги саъй-ҳаракатлар, яъни ҳаётимиз янада фаровон бўлиши, жамиятимиз хар бир фуқаросининг истақ-хоҳиши ва манфаатлари қондирилиши демакдир, — деб ҳисоблайди Миробод тумани ҳокими Бахтиёр Раҳмонов. — Фаол бўлиш, менинг назаримда, бу — ишонинг ярмисидир. Фақат ҳаракатларимиз ҳамжиҳат бўлганда, хар бир ишда таъсирчанликка, самарадорликка эриша оламиз, шундагина ишларимиз ижобий ақс сода беради...

Илгари хабар қилингандек, айни кунларда «Ҳоким билан юзма-юз мулоқот» лойиҳаси доирасида туман ҳокимлари ва ҳоким ўринбосарларининг маҳаллаларда учрашувлари бўлиб ўтмоқда. Бундай бевосита мулоқотдан кўзланган мақсад — аҳоли ҳаёти билан яқиндан танишиш, одамларни қизиқтириб айланиш ва ташвишлантириб турган масалалар юзасида фикр-мулоҳаза алмашиш ва албатта, шу тарихга уларга кўмак беришдир. Хар бир учрашув бўйича олиб борилаётган мониторинг эса кейинчалик ўрганишлар натижаларига асосланган ҳолда меъри-лик-конунчилик ҳужжатлари такомиллашуви, янги қонунлар қабул қилиниб, амалдагиларига қўшимча ва ўзгартиришлар кирити-лишига қўлай имконият вазифасини ўтайди.

Айтиб ўтиш керакки, январь-февраль биларида қирқдан зиёд маҳаллада

ҳокимликларга йўлланиси кузатилаётди.

— Афсуски, шундай мансабдор шахслар учраб турадики, гўё улар фақат қонун-қоидаларга бўйсуниб иш тутайди, аслида у ёки бу масалага шунчаки бюрократик нуқтаи назардан ёндашади, холос... Аммо хар бир мушоаат ортида инсон тургани, шикоят билан эмас, балки ўз ҳуқуқидан фойдаланиб, бирон вазиятда тўғри йўл топиш ниятида кўмак сўраётганини унутиб қўяди, — дейди Б.Раҳмонов.

— Яқинда «Ўзбекистон», «Салор», «Миробод», «Байнал-милал», Авлоний номидаги маҳаллалар аҳолиси билан учрашувлар давомида бу ҳақда алоҳида гап борди. Шу ўринда кўпчиликка ибрат бўладиган бир мисол устида тўхталиб ўтмоқчиман. 82 ёшли туманимиз фуқароси Зубрилина, назаримда, оддий илтимос билан мушоаат этган. Ёши улуг инсон ҳақида гап бораётганини таъкидлаб ўтмоқ жоиздир. Зубрилина бахтсиз ҳодиса туфайли бел-тос қисмида оғир жароҳат олган. Бундай ёшда жароҳатлик ёки бошқа муолажалар оғир ке-

чади. Демак, бу инсонга фақат ногиронлик арава-си ҳамда вақти-вақти билан шифокорлар назорати зарур бўлган. Шундай экан, имкони бор бўлсада, ногиронлик тоифаси белгиланмаганлиги боис имтиёзи йўқ дея рўқча қилиб муаммони юзга келтириш керакмиди?! Муътабар ёшдаги бу инсонга аравача тортиқ қил-

ки, хар бир учрашувга алоҳида тайёргарлик қўриш лозим. Албатта, мулоқотга киришиш олдида белгиланган маҳалла ҳақида баътафсил маълумотга ҳам эга бўлиш даркор. Шу кунларда бўлиб ўтаётган юзма-юз учрашувлар аввалида туманимизда ўтган йил давомида эришилган ютуқлар ҳақида қисқа ахборот бериб ўтишни ўринли деб билдим. Нима учун? Бундай учрашувларда рақамларга зарурат борми? Албатта, бор. Фақат муҳими шундаки, жамоатчиликка ахборотни қонун тили билан эмас, балки тушунарли тарзда етказишимиз талаб этилади. Уйлайманки, ҳатто 80 ёшдаги кишини ҳам туманимизда саккиз мингга яқин янги иш ўрни яратилгани қизиқтиради, фақат бу борада қачон, қим, қаерда саволларига изоҳ бера олишимиз керак. Нима учун аҳолига янги истрёмол маҳсулотлари, уларни ишлаб чиқарувчилари, қаердан харид қилиш мумкинлиги юзасида маълумотларни етказмаслигимиз керак?! Дарҳақиқат, мамлакатимиз Президентининг Ўзбекистон Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатасининг қўшма ййгилишидаги ҳамада «Ассий вазифамиз — Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» мавзусидаги маърузаларида айнан одамлар билан мана шундай жонли мулоқотга киришиш зарурлигига эътибор қаратиб ўтганлари ҳам бежиз эмас...

Машриқзамин — ҳикмат бўстони ҲИКМАТЛАР



Мавлоно Хароботий XVII асрнинг иккинчи ярми ва XVIII аср ўрталарида яшаган ва Мавлавий Румийнинг маънавий фарзанди деб ном олган машхур файласуф шоир ва мутасаввиф олимдир. Шоирнинг қаламига мансуб бўлган "Куллиёт", «Маснавий Хароботий» ва «Рисолаи фақрийя» асарлари бизгача етиб келган. Шоир ўз асарларида одоб-ахлоқ ҳамада ҳаётга нисбатан бўлган фалсафий муносабатларини маснавий усули билан шеърда баён қилган ва комил инсонни тарбиялаш йўлида катта фаолият кўрсатган. «Маснавий Хароботий» ҳамда «Куллиёт» асарлари қўл ёзма ҳолида кенг тарқалган бўлиб, тошбосма усулида етти марта чоп этилган. Қуйида Мавлоно Хароботийнинг ҳали ҳеч қаерда чоп этилмаган «Куллиёт» асари-дан парчаларни оқшомхонлар эътиборига ҳавола етмоқдамиз.

«КУЛЛИЁТ»ДАН ПАРЧАЛАР ЯХШИЛИК ҚИЛИШ ҲАҚИДА

Эй қўёшим, истасанг бўлмоқ омон, Яхшилиқ бисёр қил халқи жаҳон.

Бўлса кимнинг одати жуду карам, Ул халойиқ ичра бўлғай муҳтарам.

Ҳар киши иш охирини кўзламас, Ул кишиларни кўзини кўз демас.

Неча ишлардин киши тобғай шикаст, Айтйин, қилгил ани, эй ҳақпараст.

Душмани кўб бўлса, билгил, домии кўб, Моли кўб бўлса бўлур исёни кўб.

Ким ҳасад қилса қаноат анда йўқ, Ким тамаъ қилса ҳаловат анда йўқ.

Неча ишлардин жафо бўлғай санга, Неча ишлардин вафо бўлғай санга.

Бевафолардин вафо кўз тутмағил, Шоди диллардин вафо кўз тутмағил.

Бўлмас кимда ҳаё бешармдур, Юзи онинг гўйиё бечармдур.

Бевафолардин ҳаё кўз тутқонинг, Гўйиё оғзингга ўтни тутқонинг.

Тифлга, мажнунга сен тош этмағил, Бевафоларга сиринг фош этмағил.

Қарзи халқни қилғасен аввал адо, Қарзи Ҳақни қилғасен андин жабо.

Аччиғингни ютқил, эй марди жувон, Ким ютур аччиғини бўлғай омон.

Ул ҳавою нафсдин бўлғил йирок, Эмди тарк айлаб ани қилғил талок.

Ким ишин шойиста даргоҳ айласа, Нежаб Тангирн ани шоҳ айласа.

Халқ аро хар қимки саркашлиқ қилур, Роҳату иззат эшиги боғланур.

Нафс амрин қилмағон мардон бўлур, Охиратда халқ аро султон бўлур.

Нафсини тарк айласа таскин бўлур, Халқ аро икки жаҳон мискин бўлур.

Нафси аммораму ҳам сокин бўлур, Ҳам кўнгил ул нафсдин эмин бўлур.

Ҳар киши ўз ҳақиқа қониё дурур, Ҳазрати Аҳмада ул тобиё дурур.

(Давоми бор)

Махмуд ХАСАНИЙ ва Мавжуда РАЗЗОКОВА тайёрлаган

Мулоқот ҲАРАКАТЛАРИМИЗ ФАОЛ ВА ТАЪСИРЧАН БЎЛМОФИ ДАРКОР

ҳокимликларга йўлланиси кузатилаётди.

— Афсуски, шундай мансабдор шахслар учраб турадики, гўё улар фақат қонун-қоидаларга бўйсуниб иш тутайди, аслида у ёки бу масалага шунчаки бюрократик нуқтаи назардан ёндашади, холос... Аммо хар бир мушоаат ортида инсон тургани, шикоят билан эмас, балки ўз ҳуқуқидан фойдаланиб, бирон вазиятда тўғри йўл топиш ниятида кўмак сўраётганини унутиб қўяди, — дейди Б.Раҳмонов.

— Яқинда «Ўзбекистон», «Салор», «Миробод», «Байнал-милал», Авлоний номидаги маҳаллалар аҳолиси билан учрашувлар давомида бу ҳақда алоҳида гап борди. Шу ўринда кўпчиликка ибрат бўладиган бир мисол устида тўхталиб ўтмоқчиман. 82 ёшли туманимиз фуқароси Зубрилина, назаримда, оддий илтимос билан мушоаат этган. Ёши улуг инсон ҳақида гап бораётганини таъкидлаб ўтмоқ жоиздир. Зубрилина бахтсиз ҳодиса туфайли бел-тос қисмида оғир жароҳат олган. Бундай ёшда жароҳатлик ёки бошқа муолажалар оғир ке-

ганимизда, хурсандчилик ёшларини кўрсангиз эди. Онеахоннинг «Нахотки мена уэ қучим билан юра оламан?» деган сўзлари хар бир кишининг юрагини эзишти турган гап, қолаверса, хар кимда даргда дармон топиш мумкин экан деган умидни ҳам уйғотади...

Одамларни очик мулоқотга чорлаш осон эмас. Уларнинг дардини тушунаслик эса ишончини йўқотиш демакдир. Туман раҳбарларининг аҳоли билан ўзаро алоқа ўрнатишга турлича ёндашавтанларини ҳам кузатиб. Натжиликка эса бирда ундай, бирда — бошқача ҳам бўлаётди. Баъзида фуқаролар «ташқарида» эркин сўзлашишга ҳаракат қилгандай туюлди...

— Бундай вазиятни раҳбарлар танқид ёки эътироз сифатида қабул қилмаслик керак деб ҳисоблайман. Ҳақиқатан ҳам, ҳама бир хил эмас. Кимдир, гувоҳи бўлганнингиздек, хоҳиши бўлса ҳам, фикрини, айтмоқчи бўлган гапни кўпчилик ичида ифода эта олмаслиги мумкин, — сўхбатим давом эттирди Б.Раҳмонов. — Қолаверса, бундан хулоса қилиш мумкин-

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА

Санъат кишини тарбиялайди. Дилга ором, кўнглига сурур, ҳаётга рабат уйғотади. Халқимиз «Муножат», «Ушшоқ», «Сеғоҳ» сингари миллий муносиб бисотимиз дурдоналарини кўз қорачиғидай асраб-авайлаб келишининг асл сабаби ҳам шунда.

НАМУНАЛИ ЖАМОАЛАР КЎПАЙМОҚДА

Шу маънода ёшлар орасида маънавий-маърифий ишларни кенг тарғиб этиш, уларга маданий хизмат кўрсатишни яхшилаш, талаба ва ўқувчиларни бадий ҳаваскорлик жамоаларига жалб қилишда эришилган ютуқлари инобатга олиб, Ўзбекистон Бевафоларга сиринг фош этмағил.

Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши маданий-маърифий ва спорт бўлими бошлиғи Аскарали Султонов, мазкур бўлимнинг етакчи мутахассиси Наима Жабборова, Тошкент шаҳар Касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши раисининг ўринбосари Ғайрат Зунуновлар мамлакатимизда эътиборди эгаларини қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар ва уларнинг самаралари ҳақида фикрлар билдиришди.

21-муника ва санъат мактаби қошидаги «Шодиёна», «Авиасозлар» маданият саройи қошидаги «Аҳмадзода» халқ чолғу асбоблари жамоасига «Халқ бадий ҳаваскорлик жамоаси» номи берилди. 107-мактаб қошидаги «Импульс», «Авиасозлар» маданият саройи қошидаги «Ритмы планеты», «Тошкент трактор заводи» акциядорлик жамияти маданият саройи қошидаги «Гулдуста», 284-мактабнинг «Радуга», 51-мактабнинг хор жамоалари «Намунали бадий ҳаваскорлик жамоаси» номига сазовор бўлди.

— Ҳозирги кунда бешта жамоага «Халқ бадий ҳаваскорлик жамоаси» номи берилган, — дейди Тошкент шаҳар Касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши раиси ўринбосари Ғайрат Зунунов. — 15 та жамоа «Намунали бадий жамоа», 2 та жамоа эса «Халқ ҳаваскорлик студияси» номига сазовор. Уларнинг барчаси ёш иқтидор эгаларидан ташкил топган. Уйлайманки, Барқамол авлоди йилида бундай намунали жамоалар сафи янада ошади. Тадбирнинг яқуний қисмида голиб жамоаларнинг куй-қўшиқлари, дилрабо рақсларидан иборат концерт дастури намойиш этилди.

ҲУМОМ АЛИЕВ

Хукм ўқилди

ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ — ФИРИБГАР

Жамиятимизда ҳалоллик ва поклик, ор-номус, мардлик каби қадриятлар ҳамиша эъзозлаб келинган. Кишилар ўртасида ўзаро ишонч бу — самимий муносабатларнинг пойдеворидир. Ўзгаларнинг ҳақиқа ҳиёнат қилиш эса доимо қораланади.

Кейинги йилларда фойдали меҳнат билан шуғулланмай, жамият ва давлатга фойда келтиришни ўйламай, фақат бировларни алдаб, фирибгарлик эвазига кун кечираётганлар ва харом-хариш бойлик орттириётганлар кўпайиб улғаймоқда. Улар айрим фуқароларнинг соддадиллигини, осон йўллар билан тезда кўп даромад олмақчи бўлганидан самарали фойдаланишмоқда.

1966 йилда Тошкент шахрида туғилган, фирибгарликни ўзинга касб қилиб олган, бир неча мартаба судланган, бундан ўзига тегишли хулоса чиқармаган, 4 нафар фарзанднинг отаси, ўрта маълумотли Мирабоб Тешабоевнинг найранглари айниқса ҳаммани лоқ қолдириди. Биринчи мартаба у 2000 йилда жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани судининг ҳукмига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми «а» банди билан (фирибгарлик, кўп миқдорда) 3 йил муқдатга озодликдан маҳрум этилган, бироқ амнистияга асосан ҳазонани ўташдан озод қилинган эди.

2007 йилда яна содир этган фирибгарлик ва бошқа жиноятлари учун шу туман судининг ҳукмига кўра у 1 йил муқдатга тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, 2,5 йил муқдатга озодликдан маҳрум қилинган, бироқ суд идоралари унинг ваъдаларига ишониб, тайинланган ҳазонани 1 йил синов муқдатга алмаштирган эди.

Айнан ана шу синов даврида нафсини жиловлаб олган «учқур» қатор фирибгарлик жиноятлари содир этганини, бундан азият чеказан жабранувчилар уни узоқ йиллар мобайнида эслаб юришига ажаб эмас. Эндиликда у уошган жиноий гуруҳ тўзиб, алдаш ва ишончини суиистёмол қилиш йўли билан фуқароларнинг жуда кўп миқдордаги мулкчи қўлга киритади. Унинг жиноий қўлишлари кўлами шу қадар кенг қўлғай ёнган эдики, 2009 йилнинг ўзида жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Яқасарой туман судида у ва унинг жиноий шерикларига нисбатан 5 январь ва 25 июнь кунлари 2 та алоҳида ишлар бўйича ҳукмлар чиқарилади; Шайхонтоҳур тумани суди 7 май кўни, Собир Раҳимов тумани суди 9 ноябрь кўни унга нисбатан алоҳида жиноят ишлари бўйича у ҳукмларини эълон қилади.

Суд ҳукмларига назар ташлайлик. Мирабоб Тешабоев фирибгарлик режаларини рўёбга чиқариш учун 2007 йилнинг куз ойларида сохта «АВТО МОТОРС КАПИТАЛ» номли масъулият чекланган жамият тўзиб, унга ўзини директор этиб тайинлайди. Собир Раҳимов ту-

мани, Себзор даҳасида жойлашган 34-уйнинг хонадонларидан бирини ижарага олиб, оғис тарихисидан фойдаланади. Ишончига Гулнора Ҳасановани қотиба қилиб ишга олади ва қараб-сиз-чи, қорхона «фаолият қилиш»га тайёр.

М.Тешабоев ака-ука Забиқуллова ва Фарҳод Насириовлар билан жиноий тўп бириктириб, аҳолига гўёки улар енгил автомашина савдоси билан шуғулланувчи ташкилот орқали «UZDAEWOOAuto» ёпиқ акционерлик жамиятининг Андижон вилояти, Асака шахрида жойлашган автокорхонасида ишлаб чиқарилган автомобилларнинг хар хил модификацияларини сотётганлиги ҳақида хабар беради, шу тарихга кўплаб фуқароларнинг алдаб, пул маблағларини қўлга киритади.

Фирибгарлар автоташкилотнинг нархи Сергели туманидаги автобозордаги нархлардан анча арзонлиги, пул тўлангандан кейин 20 кун муқдат ичида автомобиллар эгаларига етказиб берилиши ҳақида эълон қилишиб, одамларни ишонтира бошлайдилар.

Масалан, жиноий гуруҳ Собир Раҳимов туманида яшовчи фуқаро П.Собировнинг уйида ундан учин «DAMAS» русумли автомобиллар учун 30.000 АҚШ долларини паспорти билан олган. Унинг Сергели туманида жойлашган автобозордан нақд пулга янги бир дона «DAMAS» русумли автомашинасини сотиб олиб, П.Собировга тақдим этгади, қолган 20.000 АҚШ доллари учун ваъда берилган муқдатда иккита «DAMAS» ни етказиб бермасдан, хар хил баҳоналар қилиб, жуда кўп миқдордаги АҚШ долларини қўлга киритади. Оқибатда П.Собировнинг манфаатларига банк курси бўйича 25,6 миллион сўмлик моддий зарар етказилди.

Бундан ташқари, М.Тешабоев 2007 йилнинг 15 декабрь кўни қотибаси Г.Ҳасанова ёрдамида фуқаро Д.Абдурусултонов ишончини суиистёмол қилиб, арзон нархда машина сотиб олиб бериши ваъда қилади ва унинг 10.900 АҚШ долларини эгаллайди. Банк курси бўйича бу зарар 14 миллион сўмни ташкил этади.

Н.Халимрзаев ва А.Абдукаримовлар ҳам уюшган жиноий гуруҳ аъзолари сифатида фирибгарлик йўли билан «MATIZ» учун фуқаро А.Сидиковнинг 17 миллион сўм, М.Р.Хисобкваннинг 10.800 АҚШ долларини эгаллаша эришадилар. Албатта, бунда улар М.Тешабоевни «UZDAEWOOAuto» ЕАЖнинг Асака шахридаги расмий дилери лавозимида ишлаётганлигини айтиб, уларни ишонтиради.

Ҳасан Шакиров эса гаражгўйлик ва шахсий бойиш манфаатларида уюшган жиноий гуруҳга фуқароларни ишонтириб, пуллари олиб беришни воситачи ёки замонавий тилда «дилер» сифатида ўзини намойн этади.

Суд мажлисида М.Тешабоев айбига тўлиқ иқдор бўлиб, ҳақиқатан ҳам таниш-билишлар учун машина олиб бераман деб, пул олиб, ҳаммасини ҳам машина билан таъминлай олмаганини тан олади.

Ўзини қароқчи урибди, деган нақлани

Фарҳод АБДУВАХИТОВ, Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани прокурорининг ёрдамчиси. Дилшод ИСРОИЛОВ, журналист

2010 йил — Баркамол авлод йили

552-мактабгача таълим муассасаси жамоаси ўсиб келаётган авлод-ни ҳар томонлама соғлом ва баркамол вояга етказиш борасида кенг қамровли ишларни амалга оширмоқда.

Бугунги кунда бу ерда 240 нафар болажон тажрибали педагог ходимлардан таълим-тарбия олмақда. Бу ерда барча шароитлар яратилган бўлиб, кўргазмали воситалар, юмшоқ ўйинчоқлару кўғирчоқлар болажонлар ихтиёрида. Ушбу мактабгача таълим муассасасида рус, инглиз тили ва рақс тўғараклари ҳам фаолият кўрсатади.

Муҳаммад АМИН (ЎЗА) олган сурат



ИСТИҚЛОЛ ЮЛДУЗЧАЛАРИ

Машҳур шоирлардан бири «Болаларга берайлик дунёни...» деб ёзган. Бинобарин, бу ёруғ оламда бола кулгусидан-да завқли, бола шодлигидан-да ҳаётбахш қувонч бўлмаса керак.

Юнусобод туманидаги «Пахтаой» мактабгача таълим муассасасида бўлганимизда, бу фикрларнинг нақадар тўри эканлигига яна бир қарра амин бўлдик.

Мазкур тарбия масканининг энг ёш гуруҳ тарбияланувчилари иштирокида ўтказилган анъанавий очиқ машғулоти биз қатори барча йиғилганлар эътиборини ўзига тортди. Гуруҳ етакчиси Моҳида Рўзиева раҳбарлигидаги мурғак қалб эгалари машғулотлар давомида сочилган ўйинчоқ бирикмаларини бутлаб бериш, рақслар ижро этиш, расмлар чизиш бобидаги ютуқларини намойиш этишди.

Рўхнуосларнинг таъкидлашича, болажонлар айнан 2-3 ёшларида борлиқ, теварак-атроф ҳақида муайян тасаввур-

ларни илғай бошлайди, ранглар жўшқинлигини ҳис этади. Шу маънода энг ёш тарбияланувчилар билан олиб борилган ушбу машғулоти ўзининг амалий моҳиятга эга эканлиги билан эътиборлидир.

— Тарбиячи ноъбанавий машғулотларни кўпроқ ўтказишга болажонларнинг ошғиршида кўпроқ натижаларга эришиши мумкин, — дейди муассаса мудираси Гўзал Усмонова. — Шу маънода бугунги машғулоти мобайнида моделлаштириш, тарқатиш материалларидан изчил фойдаланилган болажонларнинг қизиқишини орттиришга сабаб бўлганлиги билан эътиборлидир.

Айтиш жоизки, ушбу мактабгача таълим муассасаси 220

ўринга мўлжалланган бўлиб, бугунги кунда 20 дан ортиқ меҳри дарё, қалби қайноқ тарбиячилар болажонларга тарбия бериб келмоқда. Улар орасида Света Мусарова, Шоира Парпихўжаева, Вазира Ақромхўжаева сингари ўз касбининг том маънодаги жонқурлари борки, уларнинг иш фаолиятидаги эришган ютуқлари туман ва шаҳар миқёсида ҳам эътироф этиб келинмоқда.

Инглиз тили, рақс, футбол, шахмат-шашка, расм, қўлчилик, заргарлик сингари 10 га яқин тўғаракларнинг фаолият юритиб келаётгани болажонларнинг онг ва иқтидорларининг юксалишига ижобий таъсир этмоқда. Муассаса тарбияланувчиларининг шаҳар миқёсида ўтказилган «Истиқлол юлдузчалари» фестивалида энг жозибали рақс дастури билан муваффақиятли иштирок этишининг боиси ҳам ана шундай фидойилик, жонқурлик билан иш олиб борилаётганига эътиборлидир.

Бир сўз билан айтганда, тарбия муассасасида олиб борилаётган жараёнлар «Баркамол авлод йили» Давлат дастурида белгиланган талабларнинг ижроси билан боғлиқ.

Хидирали ПАНЖИЕВ

Спорт янгиликлари

ГАЛАБА БИЛАН БОШЛАШДИ

Футбол мухлислари орзиқиб кутган кунлар келди. Кеча «Жар» стадионида мамлакатимизнинг амалдаги чемпиони «Бунёдкор» ва Саудия Арабистонининг «Ал-Иттиҳод» жамоалари Осиё чемпионлар лигаси гуруҳ ҳақида куч синишти.

Шуни таъкидлаш жоизки, «Ал-Иттиҳод» Осиёнинг энг кучли клубларидан бири ҳисобланади, ўтган йилги Осиё чемпионлар лигаси турнирида ҳам муваффа-

қиятли иштирок этган. Шу боисми, кўпчилик учрашув қандай натижа билан яқунлигини аввалдан башорат қила олмади, аксинча, беллашувнинг қизиқарли курашлар остида ўтишини тахмин қилишди. Дарҳақиқат баҳс жуда қизиқарли кечди. Қувонарлиси, ҳамшаҳарларимиз учрашувга жиддий тайёргарлик кўришганини исботлашди. Майдоннинг ҳар бир қарич ерида тўп учун кечган баҳсда тошкентликлар яққол устунлик қилишди. Бу сафар «Бунёдкор»нинг ҳимоя чизиги ҳам бехато ҳаракат қилди, рақиб ҳужумчиларига имкон берилмади. Ярим ҳимоя ва ҳужум чизиги ҳам анча шакланганлиги кўзга ташланди. Натижа ҳам шунга яраша бўлди. Ҳамшаҳарларимиз учрашувни 3:0 йирик ҳисобдаги галаба билан яқунлашди. Мухлисларга лаззатли онларни ҳаёда этган голларни рақиб дарвозасига Ривалдо,

Жасур Ҳасанов ва Денилсонлар киритишди.

ТАЭКВАНДОЧИЛАРИМИЗ — СОВРИНДОР

АҚШнинг Лас-Вегас шаҳрида таэквандо бўйича уюштирилган халқаро турнир мамлакатимиз спортчиларига омад келтирди.

Гап шундаки, дунёнинг ўндан ортиқ давлатидан келган спортчилар ўртасида кечган баҳслар муро-сасиз курашлар остида ўтди. Унда юртимиз шарафини ҳимоя қилган Евгения Каримова қумуш медал билан тақдирланган бўлса, Дмитрий Кимга бронза медали насиб этди.

Ўтган йили Миср Араб Республикасида ёшлар ўртасида футбол бўйича уюштирилган жаҳон чемпионатида иштирок этган ҳамда Осиё чемпионатида совриндор бўлган Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси бош мураббийси Аҳмад Убайдуллаев эндиликда Ўзбекистон олимпия терма жамоасини бошқарадиган бўлди.

ҚАТАРЛИКЛАР БИЛАН КУЧ СИНАШИШАДИ

Ўзбекистон олимпия терма жамоаси таркибини қайтадан янгилашни мақсад қилган Аҳмад Убайдуллаевдан мутахассислар мухлисларнинг умиди катта. Шу боис ҳам мамлакатимиз футбол мутахассислари олимпия терма жамоасига ўқув-машғулоти йиғинлари ҳамда назорат

ўроқлик учрашувлари ўтказишлари учун барча шароитни муҳайё қилишга бел боғлашди. Ўзбекистон олимпия терма жамоаси жорий йилда дастлабки ўроқлик учрашувини Қатар олимпия терма жамоаси билан март ойида ўтказадиган бўлди.

(Ўз муҳбиримиз)

Ўқув машқлари

МАВСУМГА ШАЙЛИК ТАЖРИБАНИ ОШИРАДИ

Ҳозир юртимизда қиш фасли ҳукм сураётган бўлса-да, ҳадемай санокли кунлар ичида қиш ўрнини баҳор фаслига бўшатиб, сурункали ёғин-сочинли кунлар бошланади.

ни таъминлаш, хусусан, рўй бериши эҳтимоли бўлган турли кўринишдаги табиий офатларнинг олдини олишга қаратилган навбатдаги тадбир Тошкент шаҳар Фавкуллода вазиятлар давлат тизими ҳудудий қуйи тизими фуқаро муҳофазаси хизматлари томонидан «Тошкент шаҳри ҳудудидан сув тошқини хавфининг олдини олиш, фавкуллода вазиятлар оқибатларини бартараф этиш учун куч ва воситаларнинг ҳаракатлари» мавзусига бағишланди.

Махсус-тактик ўқув машқлари икки босқичда ўтказилиши режалаштирилган бўлиб, дастлабки босқич Юнусобод тумани ҳудудидан жойлашган «Зенит — электроник» корхонаси ёнидан оқиб ўтувчи «Қорақамиш» кол-лектори қувурини тозалаш ишлари

кўргазмали ўқув-тактик машқи жараёнида амалий ҳаракатлар шаклида ўтказилди. Сўнгги босқичда 10-26 февраль кунлари Мирзо Улуғбек, Собир Раҳимов, Сергели, Ҳамза ва Бектемир туманларида сув тошқинлари билан боғлиқ фавкуллода вазиятлар оқибатларини бартараф этишга фуқаро муҳофазаси хизматлари куч ва воситалари доимий шайлигини ошириш, махсус оғир ва муҳандислик техникалари ҳисобига аниқликлар киритишга қаратилди.

Махсус-тактик ўқув машқларини ўтказишдан асосий мақсад Юнусобод тумани бошқарув органлари ва раҳбарлар таркиби томонидан сел ва сув тошқинлари билан боғлиқ фавкуллода вазиятлар оқибатларини бартараф этиш бўйича назарий ва ама-

лий кўникмаларни такомиллаштиришдир.

Тадбир Юнусобод тумани фуқаро муҳофазаси хизматлари куч ва воситаларининг доимий шайлигини ошириш, махсус оғир ва муҳандислик техникаларини яна бир бор сновдан ўтказиш мақсадида саф кўриги билан бошланди. Техникалар ёрдамида «Қорақамиш» каналининг қирғоқлари ва коллектори қувурини тозалаш ишлари амалда бажарилди. Бундан ташқари, сув оқими-ни беҳавотир ўтказиб юбориш мақсадида тегишли ташкилотлар томонидан канал ўзанлари турли шох-шаббалардан тозаланиб, зарур профилактик юмушлар амалга оширилди. Тадбир мобайнида ариқ ва сув ҳавзалари атрофидаги санитар ҳолатни яхшилаш, сув тармоқларини ифлослантирувчи манбалари оқизилишининг олдини олиш бўйича аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилди.

Бундай тадбирлар юқоридаги махсус-тактик ўқув машқи билангина чекланиб қолмайди. Сел ва сув тошқинлари билан боғлиқ бўлган фавкуллода вазиятларнинг олдини олиш ва унинг оқибатларини бартараф этиш борасида пойтахтимизнинг деярли барча туманларида қатор муҳофазат тадбирларини олиб бориш режалаштирилган.

Азамат СУЮНОВ

МУАССАС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Манзил: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (371) 232-11-39.
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба
ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563
ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ,
офсет усулида босилади.
4203 нусxada босилади.
Қозғоқ бичими А-2

Сўраш, жавоб берамиз

Алимент кимлар томонидан ва нима учун тўланади? Унинг тўланиш тартиби-қоидалари ҳақида маълумот берсангиз.

Н. Солиева,

Чилонзор тумани

Ота-она вояга етмаган болаларига таъминот бериши шарт. Чунки ота-оналар болалари то вояга етгунга қадар уларни боқиб катта қилишлари, агарда ажрашган бўлсалар алимент тўлашлари лозим. Вояга етмаган болалар учун таъминот бериш мажбуриятини ихтиёрий равишда бажармаган ота (она) дан суднинг ҳал қилув қарорига ёки суд буйруғига асосан алимент ундирилади.

Вояга етмаган болаларига алимент тўлаш ҳақида ота-она ўртасида келишув бўлмаган ёки алимент ихтиёрий равишда тўланмаганда ва ота-онанинг бирортаси ҳам алимент ундириш тўғрисида судга даъво ёхуд ариза билан мурожаат қилмаган ҳолларда, васийлик ва ҳомийлик органлари вояга етмаган боланинг таъминоти учун ота ёки онадан қонунда белгиланган миқдорда алимент ундириш тўғрисида даъво қўзғатишга ҳақлидир.

Вояга етмаган болаларига алимент тўлаш ва уларга таъминот беришда ота-онанинг мажбуриятлари тенг.

Вояга етган, меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож болаларга ҳам таъминот беришда ота-онанинг мажбуриятлари тенг.

Ушбу саволга хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Ф. ХУДОЙКУЛОВА жавоб берди.

Яқинда бошимга таъминот тўлаш бўлиб қолди. Мени фарзандликка олиб, боқиб, катта қилган бувим вафот этди. У киши вафотидан олдин васиятнома ёзиб, уй-жойини менга қолдираётганини айтган эди. Аммо унинг ўлимдан сўнг жинни пайдо бўлиб, ўсиб-улғайган уй-жойимдан маҳрум этмоқда. Менинг ушбу уйда қандай ҳуқуқларим бор? Шу ҳақида маълумот берсангиз.

Д. Арзқуллова,

Ҳамза тумани

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 112-моддасига кўра, фуқаронинг ўзига тегишли мол-мулкни ёки бу мол-мулкка нисбатан ҳуқуқни вафот этган тақдирда тасаруф этиш хусусидаги хоҳиш-иёдораси васият деб эътироф этилади.

Фуқаро ўзининг барча мол-мулкни ёки унинг муайян қисмини қонун бўйича меросхўрлик доирасига қирадиган, шунингдек, қирмайдиган бир ёки бир неча шахсга, шу билан бирга юридик шахсларга, давлатга ёки фуқароларнинг ўзини ўзи боқариши органларига васият қилиши мумкин.

Васият қилувчи қонун бўйича меросхўрлардан биттасини, бир нечасини ёки ҳаммасини изоҳ бермаган ҳолда меросдан маҳрум қилишга ҳақли.

Васиятномани расмийлаштириш чоғида мулкка нисбатан эгалик ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат талаб этилмайди, аксинча умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (квартира)ни бошқа шахсга бериш ҳақидаги шартнома тузишда ўз мулкни, яъни уй-жойини бошқа беришга ушбу мулкка нисбатан эгалик ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжати бўлиши шарт. Мерос қолдирувчи васиятнома тузилганидан кейин уни истаган пайтда бекор қилиш ва ўзгартириш борасида эркин бўлиб, бунда бекор қилиш ёки ўзгартириш сабабларини кўрсатишга мажбур эмас.

Умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (квартира)ни бошқа шахсга бериш ҳақидаги шартномадан бекор қилишни ёки ўзгартиришни талаб қилган тараф аса буюк сабаблари ва асосларини кўрсатиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 530-534-моддаларида умрбод таъминлаш шартини билан уй-жой (квартира)ни бошқа шахсга бериш ҳақидаги шартнома тушунчаси, ушбу шартнома шакли ва шартлари, шартномага мувофиқ тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, бундай шартнома мувофиқ ўзгартириш ёки бекор қилиш тартиби ва асослари, мажбуриятларнинг ворисларга ўтиш тартиби белгиланган.

Умрбод таъминлаш шартини билан уй-жой (квартира)ни бошқа шахсга бериш шартномасига кўра, бир тараф (олувчи) бошқа тараф (берувчи)ни натура ҳолида умрбод моддий таъминлаш мажбуриятларини олади, бунинг эвазига аса берувчи унга уй-жой (квартира)ни ёки уй-жойнинг бир қисминини мулк қилиб бериш мажбуриятини олади.

Унинг қонун нормаси мазмун-моҳиятига кўра олувчи томонидан ўз зиммасига олган берувчи умрбод моддий таъминлаш мажбуриятини натура шаклида берилиши лозим, яъни уй-жой билан таъминлаш, овқатлантириш, парвардилаш ва бошқа зарур ёрдам кўрсатиш деб тушунади, чунки соғлиғи туфайли меҳнатга лаёқатсиз бўлган шахс умрбод таъминлашни талаб қилади.

Бундай шартномаларга кўра таъминот берувчига ушбу таъминот олувчининг уй-жой (квартираси) мулк қилиб берилади.

Ушбу саволга Мирзо Улуғбек тумани 1-сонли Нотариал идора нотариуси Л. Аҳмедова жавоб берди

Чет элда меҳнат қилишга эҳтиёжманд инсонларнинг алданиб, фирибгарлар қўлига тушиб қолгани ҳақида матбуот орқали ўқиб, эшитиб қолам. Агар мен чет элда меҳнат қилсам, қонуний ҳуқуқ ва манфаатларимнинг кафолати қандай бўлади? Шу ҳақида маълумот берсангиз.

Ойша Сафоева,

Учтепа тумани

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 12 ноябрдаги 505-сонли қарори асосида фуқароларни чет элларга ишга юбориш ва уларнинг меҳнат фаолиятини ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофазаси қилиш вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги томонидан амалга оширилади. Фуқароларнинг чет эллардаги меҳнат фаолиятининг ушбу агентлик орқали амалга оширилиши ҳам уларнинг муайян давлат ҳудудига ҳуқуқий жиҳатдан ҳимояланганини, ижтимоий, тиббий муҳофазаси этилишини таъминлайди. Жойларда фуқароларни чет элларга ишга жойлаштириш бўйича ҳўжалик ҳисобидаги минтақавий бюролар мавжуд бўлиб, фуқаролар шу хизматларга мурожаат қилсалар, одам савдоси қурбони бўлиши олди олинади. Қолаверса, чет элга чиқиш учун албатта фуқародан виза талаб этилади. Уни ИИВнинг хорижга чиқиш, кириш ва фуқаролик бўлимларига мурожаат қилиб олиш мумкин. Виза ваколати идора томонидан очилади. Виза очиб жараёни бир неча ҳафта давом этади, бир неча кун ичида тўғрилаб беришни тақлиф қилган кимсаларга алданиб қолмаслик керак. Виза сафар мақсадларига мос келиши керак. Сайёҳлик визаси ишга жойлаштириш ҳуқуқини бермайди. Виза шахсининг чет давлатда бўлиш даврини белгилайди. Виза муддати тугагандан сўнг мамлакат ҳудудидан қилиш қонуний жазо қилинишига сабаб бўлади. Хорижий мамлакатда ишга жойлаштириш учун меҳнат шартномаси бўлиши лозим.

Ушбу саволга хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Меҳринисо АТА-МИРЗАЕВА жавоб берди.

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Газета «Тошкент оқшомининг компьютер марказида терилди ва сақланади. «Шарқ» нашриёт-матбоа акциядорлик компанияси босмоқсонда. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.